



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 229 (11.790)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Сифатли қурилиш ашёлари  
бунёд этилаётган иншоотнинг  
мустаҳкамлигини ҳамда  
кўркамлигини таъминлайди.**

### Ислохотлар оқимида

## КЎРКАМЛИК БАҒИШЛАМОҚДА

Илгарилари четдан келтирилмаган турли томпёқичлар бугунги кунда ўзимизда ишлаб чиқарилаётганлиги қурилиш майдонларида иш сифати ва самардорлигини оширмакда.

«Ўзполиметбизнес» масъулияти чекланган жамиятида жорий йилда бозорни ўрганиш асосида бир нечта янги лойиҳалар амалга оширилди.

Бунинг учун хитойлик ҳамкорларимиз билан алоқаларни мустаҳкамлаб, янги дастгоҳлар келтирдик, — дейди корхона директори Нажмиддин Фуломов. — Замоनावий технологиядан фойдаланган ҳолда металл ва кум аралашган полимер черепица ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Дарҳақиқат, қайд этилганидек, ушбу лойиҳани амалга оширишдан аввал ички бо-

зорни пухта ўргандик. Албатта, ҳозирда бундай том ёпиш ашёсига талаб юқори бўлаётгани инобатга олинди. Қурилиш ташкилотларидан буюртмалар кўпайиб бормоқда. Корхонада буюртмачи талаби ҳамда бунёд этилаётган бино лойиҳаси ҳисобга олинган ҳолда турли рангдаги черепица тайёрланади. Бу бунёдкорлик ашёси иқлим шароитимизга мос бўлиб, совуқ ва иссиқлик чидамли, ўрнатишга қулайлиги билан ажралиб туради.

Яқинда бу ерда яна бир янги йўналиш устида иш бошланди. Илғор технологияларни қўлланган ҳолда хилма-хил йўлак плиткалари ҳам ишлаб чиқарилиши жорий этилди.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
**Ҳақимжон Солиҳов**  
олган сурат

**Хабар қилинганидек, 26 ноябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди.**

Қонунчилик палатаси Кенгаши таклиф қилинган кун тартибини тасдиқлагандан кейин депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу масала бўйича Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — молия вазири Р.Азимов маъруза қилди, Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг раиси Б.Иминов қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Сўзга чиққанлар таъкидладики, мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати макроиқтисодий барқарорликни ва ялпи ички маҳсулот ўсишининг барқарор

лигини изчил яхшилаб бориш мақсадига қаратилган чора-тадбирларни рўйга чиқариш имконини беради. Келгуси йилда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларини ривожлантиришга, умумий таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини, олий ўқув юрталарини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун катта миқдорда маблағлар ажратилади.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси вакиллари жаҳон бозорларидаги ўз номақбул конъюнктура шароитларида мамлакатимизнинг экспортчи корхоналарини янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш муҳимлигини кўрсатиб ўтдилар. Миллий халқ хўнарандчилигини, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳамма жойда мақбул шарт-шароитлар яратилиши зарурлигини таъкид-

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

юқори суръатларини таъминлашга, модернизация, диверсификация қилинган ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилган. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан илгари сурилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурий амалга оширилиши, жорий йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг яқунларига тахминий баҳо бериш натижалари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Келгуси йил Давлат бюджети самарали инвестиция сиёсати ўтказиш, ишлаб чиқаришнинг ўта муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ бошқарувини тақомиллаштириш ва унинг самардорлигини ошириш орқали тузилмавий ислохотларни давом эттиришни ва иқтисодиётни ривожлантиришни назарда тутди. Ҳужжатда ижтимоий масалаларни ҳал этишга ҳам катта эътибор қаратилган.

Савол-жавоблардан кейин мамлакатнинг 2011 йилги Давлат бюджети лойиҳаси атрофида муҳокама қилиниб, унда сиёсий партиялар барча фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жадал ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ягона солиқ тўловининг базавий ставкаси камайтирилганлиги муҳим эканлигини кўрсатиб ўтдилар. Улар унумдорлиги паст ерларда пахта хом ашёси етиштирувчи фермер ҳўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини амалга ошириш келгуси йилда ҳам давом эттирилишини мамнуният билан таъкидладилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари кўриб чиқилаётган молиявий ҳужжатнинг ижтимоий йўналтирилганлигига эътиборни қаратдилар. Бюджетдан ажратиладиган катта миқдордаги маблағлар иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорларини инқироз суръатларига нисбатан илдам ошириш орқали аҳоли турмуш фаровон-

ладилар. Бинобарин, шу орқали нафақат миллий иқтисодиётни ривожлантиришни, балки яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини муваффақиятли амалга оширишни таъминлаш мумкин бўлади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг фикрларига кўра, мамлакат иқтисодиётини бундан буён ҳам барқарор ривожлантириш кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш инфратузилмасини тақомиллаштириш, ишлаб чиқаришга замонавий инновацион технологияларни жорий этиш, ташқи бозорларда Ўзбекистон Республикаси мавқеини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш мақсадини кўзловчи инқирозга қарши чораларни давом эттириш ва чуқурлаштиришга, шунингдек, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга боғлиқдир.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар аҳоли пунктларини ободонлаштириш, халқимизни сифатли ичимлик суви, экологик жиҳатдан тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш борасидаги ишларни давом эттириш муҳимлигини таъкидладилар. Жойларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатни ифлослантиришни истисно қилувчи ҳозирги замон техника ва технологияларини жорий этишни ҳам унутмаслик керак. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги айрим корхоналар раҳбарларининг экологик вазият учун жавобгарлигини ошириш зарур. Негаки, фуқароларнинг соғлиғи ва фаровонлиги кўп жиҳатдан айна ана шунга боғлиқ.

Шунингдек, Давлат бюджети ҳаракатлари параметрларининг ижросига доир самарали ишларни ташкил этиш мақсадида минтақаларнинг молиявий салоҳиятини мустаҳкамлаш, шу билан бирга бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан депутатлар иштирокида қатъий назоратни амалга ошириш учун маҳаллий вакиллик органлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлири депутатлик гуруҳлари салоҳиятидан кенг фойдаланиш таклиф этилди.

Муҳокама чоғида баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджетини тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати**

**Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида мамлакатимизнинг келгуси демократик ривожланиш стратегиясига оид муҳим вазифалар белгилаб берилди.**

Мамлакатимиз раҳбари давлат ҳокимияти фаолиятини янада демократлаштириш, парламентни кенг ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш, сайлов қонунчилигини тақомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситала-

## ТАРАҚҚИЙТИМИЗГА ДАХЛДОР МУҲИМ МАСАЛАЛАР ЁШЛАР НИГОҲИДА

рини ривожлантириш ва уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги таъсирини кучайтириш, шунингдек, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаб-

бусларини илгари сурди.

Вазирлик ва идоралар, таълим ва фан муассасаларида Президентимиз маърузасида баён этилган қоида ва ҳулосалар мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш ҳамда жамоатчиликка етказиш бо-

расида кенг қўллади ишлар амалга оширилмоқда.

— Бу борада Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиди ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, университет илмий кенгаши ҳамда «Камолот»

ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ҳамкорлигида ишлаб чиқилган дастур асосида маънавият-тарғибот, ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот йўналишида изчил ишлар олиб борилмоқда, — дейди университет «Камолот» бошланғич ташкилоти етакчилари кенгаши раиси Сардор Рамазон. — Дастур доирасида дастлаб ўқув даргоҳимизда талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун семинар-тренинглар, интерактив машғулотлар ўтказилди, турли тарқатма материаллар тайёрланди, «Энг оммабоп мақола» танлови эълон қилинди.

(Давоми 3-бетда)

## ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларининг хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетиди «Лингвистика ва замонавий ахборот технологиялари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **ТОШКЕНТ** темирйўл муҳандислари институтида ёнғин хавфсизлиги ойлиги доирасида соҳа вакиллари иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент шаҳар ХУЖМШ уюшмаси томонидан ширкат вакиллари учун навбатдаги ўқув машғулоти ўтказилади.

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллиги олдидан Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши, республика ўқувчилар техник ижодиёти маркази ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори» шиори остида республика кўрик-танлови ташкил этилди.

• Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун ўтказилаётган республика кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичи якунланди. Унда 45 нафар киз бешта йўналиш бўйича ўз истеъдод ва маҳоратини синовдан ўтказди.

• Ўзбекистон Фанлар академиясида эндокринологиянинг долзарб масалаларига бағишланган ёш олимлар илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Фанлар академияси ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри эндокринология марказларининг бош мутахассислари, тадқиқотчилар ва шифокорлар қатнашди.

• Ғиждувон туманидаги «Муҳаммад Ризо» хусусий корхонасида томёпқич материаллари ҳамда маиший қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун корхона ҳисобидан 100 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Натижада 18 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

• Фарғона вилоятининг Қўқон ва Марғилон шаҳарларида «Ёшларимиз — фахримиз» мавзусида ёшлар марафони ўтказилди. Унда айниқса Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, Навоий, Беруний стипендия соҳибларининг чиқишлари барчада катта қизиқиш уйғотди.

• Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси Германия техник ҳамкорлик жамияти билан биргаликда «Сурхондарё вилоятда асарлиқлик тармоғида қўшимча қиймат яратилиши жараёнини ўрганиш» мавзусида семинар ўтказди.

• Жиззах вилоятининг Дўстлик, Баҳмал, Зомин ва Фориш туманларидаги 36 та умумтаълим мактабларига компьютер техникаси тўпламлари топширилди. Ҳаммаси бўлиб жорий йилда бундай тўпламлар билан халқ таълими минтақавий бошқармасининг 124 та ўқув муассасаси таъминланади.

## ЖАҲОНДА

• Молдавияда кейинги бир ярим йил ичида учинчи бор муддатидан аввалги парламент сайловлари бўлиб ўтди. Мамлакат Марказий сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра, 62,5 фоиз овозлар ҳисоблаб чиқилганидан сўнг, ҳозирча сайловларда коммунистлар партияси етакчилик қилмоқда.

• АҚШ, Хитой ва Жанубий Корея дипломатлари келгусида ҳар икки Корея давлатини бирлаштириш масаласини кўриб чиқмоқдалар.

• Кеча Покистоннинг Карачи шаҳрида инсонпарварлик юқларини олиб кетаётган Грузия авиакомпаниясига қарашли «ИЛ-76» самолётининг ҳалокатга учраши натижасида 26 киши ҳаётдан кўз юмди.

• Беларуссия маъмурияти ўсмирлар учун комендантлик соати жорий этиш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқмоқда. Бунда кечки соат 23 дан кейин воёга етмаган ўсмирларнинг катталар кузатуви-сиз кўчага чиқишларини таққиклаш, улар ўртасидаги жиноятчиликни камайтиради деб ҳисобланмоқда.

• Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида уюшган жиноий гуруҳларга қарши махсус амалиёт ўтказилмоқда. Унга мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва армия жалб этилган. Хусусан, кеча ўтказилган махсус операция чоғида наркомания қароргоҳидан 40 тонна миқдордаги марихуана гиёвандлик моддаси олинган.

• Хитой ва Россия ўзаро савдо-сотиқда одатдагидек АҚШ доллариди эмас, балки Хитой ва Россиянинг миллий валюталарида ҳисоб-китоб қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Икки мамлакат ўртасидаги бундай келишув доллар мавқеини тушириш ёки доллар сиёсатига қарши қаратилмаган бўлиб, балки икки давлатнинг миллий иқтисодиёти ва валюталар кудратини сақлаб қолишга ва қадрсизланишининг олдини олишга йўналтирилган.



**Яқин кунларда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллиги тантана қилинади.**

Таъкидлаш жоизки, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Асосий Қонунимиз нафақат мамлакатимиз мустақил тараққиёти учун ҳуқуқий замин яратди, балки унинг иқтисодий юксалиш, миллий ўзлик ва демократик аънаналар асосида илчил ривожланишнинг пойдевори бўлиб хизмат қилди.

Дарҳақиқат, азиз Ватанимиз – Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданқоқ бой миллий меросимиз, тарихий илдишларимиз асосида миллий давлатчиликни бунёд этиш ва жаҳоннинг илгор тажрибаларига таянган ҳолда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида собитқадамлик билан ривожланиб бормоқда. Холбуки бирон-бир жамиятда демократик аънаналарнинг ривожланиш жараёни мамлакатнинг нафақат иқтисодий салоҳиятининг юксалиши, балки кўпроқ фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий билимга эгаллиги, ижтимоий фаоллигига чамбарчас боғлиқдир. Ана шу нукта назардан қараганда, ўтган ўн саккиз йил давомида Конституциямизнинг жамият ривожидида, ҳар бир фуқаро ҳаётидаги, халқимиз ва Ватанимиз тақдиридида ҳамда барқарор тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси сифатидаги аҳамияти кундан кунга ортиб бормоқда.

Зеро, мамлакатимизда том маънодаги янги жамият барпо этиш йўлида эришилган ютуқлар, ҳаётиямизга тобора чуқур кириб бораётган демократик амалиёт ва аънаналарни жорий этиш борасида, шунингдек давлат ҳокимиятини ташкиллаштиришда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари гоёларига таяниб иш қўрилайдиганлиги мустақиллигимиз мустаҳкамланиб бораётганлигидан далолатдир. Энг асосийси бугун халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти ва эртанги кунга бўлган ишончи негизда айнан Конституциямизда белгиланган қоидалар ётганлигини барчамиз тушуниб етдик.

Мустақил мамлакатимиз Конституциясининг қабул қилиниши мана шу олий мақсадларнинг ҳуқуқий пойдевори, тараққиёт йўлимиз ва ҳуқуқларимиз қафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Қаровидан таъкидлаганидек: "Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обуру-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг махсулидир".

Ўзбекистон Конституцияси ўтган ўн саккиз йил давомида ўзининг нақадар етуқ ва нуфузли ҳужжат эканлигини тўла тасдиқлади ва мамлакатимиз ҳаётининг жиддий синовларига бардош бериб, конституциявий тараққиётнинг муҳим босқичига айланди.

Жорий йилнинг 12 ноябрь куни давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида "Биз ишлаб чиққан ва бугунги кунда ҳаётга татбиқ этаётган ушбу моделнинг маъно-мазмун – давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазирасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббусори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва илчил олиб бориш тамойилларига асосланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдан иборатдир" дея, алоҳида таъкидлаб ўтган концептуал фикрлари ҳам Асосий Қонуннинг туб мазмун-моҳиятига сингиб кетганини кўраимиз.

Бош Қонунимиз мамлакатимизни бутун дунёга чинаям мустақил давлат сифатида қайтадан танитди, шу билан бирга юртимизнинг нафақат бугунги, қолаверса, эртанги иқти-

кин, онгли, мустақил ва фаол аъзо-сини сифатида таърифланган. Шахнинг манфаатлари барча нарсдан устундир деган демократик қоидалардан келиб чиқиб, уни амалда таъминлашнинг ўзига хос конституциявий-ҳуқуқий модели белгиланган бўлиб, маъмур усул ва шакл Ғарб ва Шарқ цивилизациясини уйғунлаштириб, давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг «ўзбекона модели» деган номни олганлиги бежиз эмасдир.

Биламизки, одатда ҳуқуқ ва эркинликларнинг таъминланиши учун уларни эълон қилиш, ҳатто қонунларда мустаҳкамлаб қўйилишининг ўзи камлик қилади. Шу боис бу туркум ҳуқуқ ва эркинликларнинг моддий таъминланишига эришиш учун мансабдор шахсларгина эмас, балки жамиятнинг барча аъзолари қонунларга оғишмай риоя этишини қафолатлаш зарурлиги доимо долзарб масала бўлиб келган.

Шу ўринда мамлакатимиз Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши конституциявий нормаларни нафақат мансабдор шахслар, балки барча фуқаролар билиши ва унга қатъий амал қилиши баробарида Асосий Қонунимизга бўлган ҳурмат ва фохр туйғусини шакллантириш ишларини кескин жонлантириб юборди.

Тан олиш зарурки, жамиятда қонун устуворлигига эришиш, Конституцияда белгиланган қўйилган меъёрларнинг кундалиқ ҳаётимизда ўз аксини топиши фақатгина давлатга ёҳуд ҳуқуқни муҳофаза этишчи органларнинг фаолиятига боғлиқ эмас. Бунинг учун фуқаролар ўзла-

Улар қаторида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама химоя қилишига хизмат қиладиган 15та кодекс, шунингдек «Конституциявий суд тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги, «Прокуратура тўғрисида»ги, «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги каби бир қатор қонунларни кўрсатиш мумкин.

Конституциямиз асосида фуқароларнинг бугунги тинч-тотув ҳаёти ва юртимизда таркиб топан барқарорлики ҳеч ким инкор эта олмайди ва ҳар биримиз уни қадрлашимиз ҳамда асрашимиз даркор.

Бош Қомусимизда оиланинг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланган бўлиши, шу асосда Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, бу борада тегишли ташкилий-ҳуқуқий пойдевор яратилгани ҳам эътиборга лойиқ. Юртимизда давлатимиз раҳбари ташаббус билан ҳар қайси йилга аниқ бир ном бериб, шу асосда махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш яхши аънамага айланган. Бу борада «Оила йили», «Ёшлар йили», «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинган улкан аҳамиятга эгадир. Дарҳақиқат, оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, жамият мустаҳкам бўлади, мамлакат барқарор ривожланади.

Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта «маҳалла» тушунчаси Конституцияга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгиланган бўлибди. Маҳалла бошқарувида бундай катта эътибор бугун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халқчиллигидан далолат беради. Энг асосийси, истиқлол даврида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва аънаналаримиз қайта кўйилган, замон талаблари асосида бойиб бормоқда. Маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилмоқда, ўзини ўзи бошқариш органларининг нуфузи тобора ошмоқда.

Конституцияда белгиланган сиёсий соҳадаги асосий вазибалардан бири халқнинг бой тажрибасига асосланган ҳолда миллий ва маданий аънаналарга, барча ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократик тамойилларни қарор топтиришдир. Бундай тамойиллар мавжуд бўлган ва амал қилган давлатда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари чинакам олий қадрият ҳисобланади.

Конституциямиз бу борадаги энг юқори даражадаги талабларга жавоб бера олади. Ўтган давр мобайнида Бош Қонунимизда белгиланган асосий тамойиллар ва қоидаларга риоя қилиб, ўз миллий давлатчилигимизни тараққий эттираётган эканмиз, бу, шубҳасиз, конституциявий давлат барпо этилаётганлигининг ёркин ифодасидир.

Дарҳақиқат, Конституциявий меъёрлар сўзсиз бажарилиши ҳуқуқий демократик давлат қуриш учун заминдир. Президентимиз айтганларидек, қонун устуворлиги амалда ўрнатилган тақдирдагина, адолат ҳукм суради. Қонун устуворлиги эса қонунларнинг қонуни бўлмиш Конституциянинг устуворлигини шартлаб қўяди.

Биз масаланинг бир тарафигагина эътибор бера олдиқ холос. Ўйлаймизки, Конституциянинг моҳияти, хусусиятлари ва салоҳиятини ўрганиш ҳамisha давом этаверади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳали қанчадан-қанча бунёдкорлик ҳаракатлари, эзгу мақсадларга йўналтирилган демократик ислохотларнинг, кучли фуқаролик жамияти қурилишининг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комил.

Ўзбекистоннинг танлаган ягона йўли битта – у ҳам бўлса, овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, мустақилликини мустаҳкамлаб, мамлакат раванқини таъминлашдир. Ана шу юксак вазибаларни সিқдидорликдан ҳис этиб яшаш масъулияти, табиийки, барча ватандошларимизнинг қалбида акс этиб турмоғи даркор.

Конституциянинг татбиқ этилиш амалиёти, унинг сиёсий тизимдаги тулган ўрни, жамиятимизда илгор конституциявий усуллар мавжудлиги Ўзбекистон конституциявий давлат даражасига етганлигидан далолат бермоқда. Давлатимиз Бош Қонуни халқимизни нури келажак сари етаклайдиган маёқ вазирасини ўташи шубҳасиздир.

**Акмал РАҲМОНОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты**

**МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНГАН ҚОНУН**

осойишталик, барқарорлики, миллатларо аҳиллики ва фуқароларнинг тотувлигини авайлаб-асраб, янги тарихий шароитда ўз қелажакини қурмоқда, миллий давлатчилигини тикламоқда" деган фикрларида биринчи навбатда Конституциямизнинг аҳамияти назарда тутилмайдир.

Бошқача қилиб айтганда, Конституциямиз ўтган ўн саккиз йил мобайнида Асосий Қонун сифатида ўзининг мустаҳкам ўрнини топди ва бугунги кунда ҳам ҳаётимиз билан ҳамоҳанг ривожланиб бормоқда.

Конституциямизнинг муқаддима-сида Ўзбекистон Республикасининг инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуришдек улуғвор мақсадлари баён этилган бўлиб, бу мақсадга эришишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари унинг асосий қисмида мустаҳкамланган.

Унинг биринчи бўлимида энг муҳим конституциявий тамойиллар ифода этилган меъёрлар мустаҳкамланган бўлиб, булар давлат ва халқ суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти эканлигини белгиловчи, мустақиллигимизни мустаҳкамловчи асосий ва барқарор қоидалардир.

Бинобарин, фақат ана шундай ёндашиш натижадагина ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳуқуқий қафолатлари, уларнинг самарали ишлаши таъминлаш орқали чинакам очик демократик ҳуқуқий давлатни қуришимиз мумкин.

Демократик ҳуқуқий давлат тушунчасининг ўзи барча фуқаролар томонидан бажарилиши шарт бўлган Конституция ва қонунлар устунлиги, халқаро ҳуқуқнинг миллий қонун-қоидаларига нисбатан устуворлиги, умуминсоний қадриятларнинг барча бошқа қадриятлардан юқори туришини билдирадиган ҳуқуқий мезон ҳисобланади.

Бир нарсани бугун алоҳида таъкидламоқ лозимки, Конституцияларнинг ўзига хос юридик тили мавжуд, яъни уларнинг бошқа қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан ажралиб турадиган муҳим жиҳатлари бор. Булар аввало уларнинг қисқа ва равош тилда ёзилиши билан бирга, ўта сермаъно жумлаларда давлат ва жамият ҳаётининг фақат энг муҳим қирраларини ҳуқуқий тартибга солинишида намоён бўлади.

Дарҳақиқат, 128 та моддadan иборат мана шу ихчам ва мўъжазгина ҳужжатда ижтимоий муносабатларнинг барчасини қамраб олиш мумкин эмас. Шу боис ҳам унда бирламчи қоидалар ўрнатилди. Демак, Конституциядаги асосий қоидалар жорий қонунларда янада ривожландирилади ва бойитилади.

Конституция қабул қилиниши натижада республикамизда унинг меъёрлари асосида мустақил равишда қонунлар қабул қилиш учун имконияти яратилди. Ҳозиргина қабул қилинган барча қонун ва ҳуқуқий ҳужжатлар негизда Конституциямизда назарда тутилган демократик руҳ билан сурғилган асосий ғоя ва қоидалар ётибди.

**Иқтисодиёт**

**ТУРЛИ СОҲАДА ҚЎЛЛАНИЛАДИ**

**«Simakx Pars» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ҳозирда поролон маҳсулотлари тайёрлаш бўйича етакчи ҳисобланади.**

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2005 йилда ташкил топан корхонанинг янги биноси қад ростилагач, цехлар энг замонавий технологик линиялар билан жиҳозланиб, му-тахассисларнинг ҳам малакаси оширилди. Натижада ишлаб чиқариш ҳамми бир неча баробарга ортишига муваффақ бўлди, маҳсулот турлари ҳам кўпайди.

Маъмур корхонада ишлаб чиқарилаётган поролон маҳсулотлари тўлиқ сертификатланган бўлиб, нархи ҳам харидор имкониятларига жавоб беради.

Поролон, маълумки, мебель тайёрлашда, спорт ва тиббиёт жиҳозлари ишлаб чиқаришда, автомобиль ўриндиқларида, иссиқлик қувурларини ўрашда, шунингдек машини соҳада кенг қўлланади. «Simakx Pars» корхонаси поролонларига нафақат пойтахтимизда, балки республикамизнинг деярли барча вилоятларидан кўплаб буюртмалар тушмоқда.

Айни пайтда бу ерда янги лойиҳалар амалга ошириш устида изланишлар давом этмоқда. Албатта, шу изланишлар самарасида илгор технологиялар асосида тайёрланадиган импорт ўрнини босувчи маҳсулот турлари ўз бозоримизда харидорини топиши баробарида қўшни давлатларга ҳам экспорт қилиниши режаланган.

**ЮКСАК МАҲОРАТ БИЛАН**

**Инсон қўли гул, деб бежизга айтилмайди. Буни бетакрор буюмлар ёркин ифодалади.**

«Хонойим савдо» масъулияти чекланган жамияти иш бошлаганига энди олти ой бўлди. Бу ерда меҳнат қилаётган қўли гул усталарнинг маҳсулотлари бозорда харидорини топмоқда. Эътиборлиси, улар оддий тол новдаларидан фойдаланган ҳолда ўзига хос дизайнга эга сават, стол, стул, кресло – 40 хилдан зиёд буюм тайёрлайди.

Тадбиркорликка очилган кенг йўл эзгу ниятларимиз амалга оширишига асос бўлди, дейди корхона директори Гулзаҳон Саидмуродова. – Ўн йилдан зиёд тадбиркор сифатида фаолият кўрсатдим. Маҳсулотларга бўлган талаб ортиб бориши ҳамда яратилган қулай имкониятлар хунарга меҳр қўйган ўғил-қизларни тўплаб, корхона ташкил этишга ундади. Ишлаб чиқариш ҳамми ортган сайн ёшларни иш билан таъминлашга ҳаракат қилаёмиз. Биз тайёрлаётган буюмлар рўзгорда асқотаётганидан хурсандмиз.

**ХАРИДОРГИР ТРИКОТАЖ МАҲСУЛОТЛАРИ**

**Экспортни йўлга қўйиб, хорижий харидорлар сафини кўпайтиришда жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.**

Бу борада ишлаб чиқариш жараёнида сифатни назорат қилиш, энг замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда маҳсулот турларини янгиланган бориш эътиборга моликдир.

«Spring Tekstil» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган 100 дан зиёд моделдаги тайёр трикотаж маҳсулотлари Россия, Туркия, Германия сингари давлатларга экспорт қилинаётгани бугунги таълабидан келиб чиқиб иш юртилаётгани ифодасидир. Келгусида маҳсулотнинг 80 фоизини четга чиқариш мақсад қилинганлиги эса интилиш ва изланишлар самарасига, пухта режага амал қилишга бўлган ишончдир.

Корхонада чеварлар маҳорати билан тикилаётган аёллар ва болалар кийим-кечаклари бир-бирини такрорламаслиги, қулай ва бежиримлиги билан харидорини топапти Маҳаллий хом ашёдан тайёрланган матолардан тикилаётгани боис нархи ҳам бирмунча арзон. Фирма дўконда маҳсулот сотилиши баробарида истеъмолчининг фикр-мулоҳазалари ҳам инобатга олинади.

**Шарофат БАҲРОМОВ**

## ТАРАҚҚИЁТИМИЗГА ДАХЛДОР МУҲИМ МАСАЛАЛАР ЁШЛАР НИГОҲИДА

(Давоми. Боши  
1-бетда)

Университетда ташкил этилган ахборот-тарғибот гуруҳи томонидан умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, корхона, ташкилот ва маҳаллаларда давлатимиз раҳбари маърузасида илгари сурилган ташаббуслар ва белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш борасида турли тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда.

Бу ерда ташкил этилган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш шароитида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболларига бағишланган анжуманда пойтахт-мизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги маҳаллалар фаоллари иштирок этди. Тадбирда давлатимиз раҳбари томонидан тақдир этилган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида юртимиз тараққийнинг янги босқичига оид вазифалар белгилаб берилгани алоҳида таъкидланди. Талабаларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлар ваколатларини кенгайтиришнинг қонунчилик асосларини тақомиллаштириш, жамоат назоратини таъминлашда ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятига доир хорижий тажриба ва уни миллий қонунчиликда қўллаш масалаларига бағишланган маърузалари тингланди.

ижтимоий ҳаракати фаоллари иштирок этди.

Мазкур семинар-тренингдан кўзланган мақсад — талабалар томонидан ўқувчиларга Концепция мазмун-моҳиятини тушунтириш, уларни белгиланган йўналишларни ва вазифаларни таҳлил этишга ўргатиш, ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада кучайтириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг юксак самараларини ва юртимиз тараққийнинг истиқболдаги устувор йўналишларини замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содда ва мазмунли тарзда тушунтиришдан иборат.

Тадбирда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ёшларга оид давлат-хукукий сиёсатининг белгиланиши, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда ёшлар ташкилотларининг иштироки, Концепциянинг асосий қисмлари ёшлар орасида тарғиб қилиш йўллари мавзуларида маърузалар тингланди.

Бундай анжуманлар биз, ёшларнинг ҳукукий билимини мустаҳкамлаш, жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, она Ватанимиз тақдирига дахлдорлик туйғуларини шакллантиришда муҳим ўрин тутди, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицей талабаси Захро Фаниева. — Интерактив усулда ташкил этилган давра суҳбатида ўз мулоҳазаларимизни эркин баён қилиш имконига эга бўлдик, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳукукий ва ҳаётнинг янгилик ва ўзгаришлардан хабардор бўлдик.

**Олим Тўрақулов,**  
ЎЗА муҳбири

**Халқаро Вестминстер университетида  
инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси  
бошқарув кенгашининг доимий вакили Лес  
Киркхам билан учрашув бўлиб ўтди.**

## ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда халқаро уюшма вакили Буюк Британия ва мамлакатимиз ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш, тил ўқитувчиларининг билим ва амалий кўникмаларини доимий равишда ошириб бориш, бизнес, инновация ва ахборот-коммуникатив технологиялар хусусида тўхталиб ўтди.

1967 йилда ташкил этилган Халқаро инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси бугунги кунда дунёнинг 100 га яқин мамлакатда уч ярим мингдан ортиқ аъзога эга.

Лес Киркхам талабаларга халқаро даражада таълим олиши учун яратилган имкониятлар билан яқиндан танишиб, инглиз тили ўқитувчилари билан давра суҳбати ўтказди.

— Халқаро таълим бериш стандартлари бўйича ривожланган мамлакатлардан мутахассисларнинг таърифи одатий ҳолга айланиб қолди, — деди «Туркистон-пресс» муҳбирига университет битирувчиси Иzzат Рустамов. — Учрашувлар давомида хорижий олий ўқув юрларида жорий этилган таълим тизими билан танишиб, тажриба алмашамиз. Халқаро даражадаги диплом соҳибиман.

Таъкидлаш лозимки, Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университети бугунги кунда 700 дан зиёд талаба яқунлаб, мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи соҳа ва тармоқларида фаолият юритмоқда.

Учрашув давомида Лес Киркхам мазкур университетда дарс ўтиш тизими Буюк Британиядаги ихтисослаштирилган академиялар талабига тўлиқ жавоб беришини таъкидлади.

## «ZiyoNet» — РИВОЖЛАНИШ ПОРТАЛИ

**Мультимедиа умумтаълим дастурларини  
ривожлантириш марказида таълим ва бошқарув  
жараёнига ахборот-коммуникация  
технологияларини жорий этиш ҳамда ZiyoNet  
тармоғидан самарали фойдаланишга бағишланган  
семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олоқа ва ахборот-лаштириш агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда халқ таълими ҳудудий бошқармалари масъул ходимлари, Қорағачи ва Тошкент шаҳридаги педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг информатика фани ўқитувчилари, провайдер компаниялар вакиллари иштирок этди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган тадбирда мактабларни ахборотлаштириш, замонавий компьютер техникаси билан таъминлаш, ўқув жараёнида мультимедиа ва электрон дарсликларни, рақамли таълим технологияларидан кенг фойдаланиш, ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш борасидаги масалалар муҳокама қилинди.

Семинарда бугунги кунда пойтахт мактаблари ZiyoNet порталида ўз сайтини очши учун барча шароит яратилганлиги, мактабга таълим муассасаларида ҳам бу аънанани жорий

этиш ҳамда саводхонлик, узлуксиз таълимни таъминлаш ва ходимлар малакасини ошириш борасида тўхталинди.

Бугунги кунда юртимиздаги қарий саккиз ярим минг мактаб-ўшбу тармоққа уланган. Мактаблар, коллеж ва лицейлар, олий таълим даргоҳлари, маънавият масканларини «ZiyoNet» тармоғига улашга катта аҳамият қаратилмоқда. Бу эса ота-оналар, ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар, педагогика соҳасида тадқиқот олиб бораётган олимлар учун таълим, илм-фандаги сўнгги янгиликлардан бохабар бўлиш, мактабларга ўзаро тажриба алмашиш, илгор педагогик технологияларни кенг жорий этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Семинар-тренингда «ZiyoNet» таълим портални ресурслар билан бойитиш, жамоат таълим ахборот тармоғидан самарали фойдаланиш, локал тармоқларни ташкил этиш, мактабларда компьютер техникасига сервис хизматини кўрсатишга оид маърузалар тингланди.

**Азима ҚИЁСОВА**

— Келажақ авлодни улуг мақсадлар сари бошлаш ҳар биримиздан фидойиликни, тинимсиз изланиш ва меҳнатни талаб этади, — деди «Туркистон-пресс» муҳбирига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳарча бўлими етакчилар кенгаши раиси ўринбосари Сурайё Икромова. — Ёшларнинг орзу ва интилишлари, қизиқликлари, шунингдек яшаш шароитлари ҳам доимий эътиборимизда. Мунтазам равишда олий ва ўрта махсус касб-хунар таълим муассасаларида таҳсил олаётган бир жойга жамлаб, саломатлик мавзуларида семинар-тренинглар, «Дугоналар, бормисиз, омонмисиз», «Камолот» маликаси», «Лобар қизлар», «Талабалар турар жойидаги энг малоҳатли қиз», «Йилнинг энг фаол камолотчиси», «Энг намунали турар жой сардори» каби қатор кўрик-танловларни ўтказиб келаямиз. Асосий мақсад — ёшларни илм олишга қизиқтириш, иқтидорини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, аъло ҳулқи билан ўрнак бўлиб, фаолиликка ундашдан иборатдир.

Танлов якунига кўра, Тошкент маданият коллежи ёшлари голиб деб топилди.

**Комила АЗИМОВА**

## Таълим

### МУТАХАССИСЛАР ЎҚУВИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

**Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар уюшмаси таъсис қилинганга ўн йил бўлди. Сертификат олган бухгалтерлар ва аудиторларни ихтиёрийлик асосда бирлаштирувчи бу жамоа шу соҳа ходимлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўзининг устувор вазифаси деб ҳисоблайди.**

Меъриёрий-ҳуқуқларни, бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича миллий стандартларни ишлаб чиқариётган уюшма консалтинг хизматларни кўрсатишда ҳам бой тажриба орттирди. Унинг жойлардаги минтақавий бўлиmlари фаолият доираси ҳам кенгайиб бормоқда.

Бундан ташқари, Бухгалтерлар ва аудиторлар уюшмаси халқаро жамоат ташкилоти аъзоси сифатида ҳам иш юритмоқда. Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом доирасида ҳам муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу низомга кўра, аудиторлар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш билан шуғулланувчи ўқув курслари ташкил этилмоқда. Бухгалтерия ҳисоби, аудит ва солиққа тортиш бўйича уштирилаётган ҳафталик семинарлар ҳам ўзига хос малака ошириш мактабига айланиб қолди.

Аудитор сертификатини олиш учун ўқув дастури доирасида мутахассислар таълими йўлга қўйилди. Курсларда фаол иштирок этганлар «Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер», «Сертификатланган бухгалтер-амалиётчи» деган ҳужжатларга эга бўладди.

Бундан ташқари, мажбурий курслар орқали ҳам мутахассисларнинг билим ва малакаси оширилмоқда.

**Хуршида ТОЛИПОВА**

## Фан

### НУФУЗЛИ АКАДЕМИЯ АЪЗОСИ

**Нью-Йорк Фанлар академияси йирик халқаро илмий муассасалардан бири сифатида катта нуфузга эга. У 1817 йилда таъсис этилган бўлиб, жаҳондаги 150 дан ортиқ мамлакатнинг таниқли тадқиқотчиларини ўз атрофига бирлаштирган. Бундай фахрли номга сазовор бўлганлар орасида ўзбек олимлари ҳам бор.**

Кимёгар олим Зокиржон Солиҳов ҳам академия аъзоси соҳиб сифатида халқаро илмий жамоатчиликка яхши танилган. Бу фан арбоби йирик тадқиқотлар устида самарали изланиш олиб борган. Унинг Ўзбекистон Фанлар академияси умумий ноорганик кимё институтидаги фаолияти самаралидир. Йирик тадқиқотлари учун олим Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг биринчи даражали мукофотини ҳам қўлга киритди.

## ЁШ ОЛИМЛАР ЖАМИЯТИ

**Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамияти ташкил топганига ўн йилдан ошди.**

Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузурида фаолият кўрсатаётган мазкур илмий жамоа томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар ўз қўли ва нуфузи билан эътиборни тортади.

Жамиятнинг француз олимлари билан ҳамкорликда амалга оширган изланишлари этноижтимоий йўналишда бўлиб, шу соҳа бўйича долзарблиги билан ажралиб туради. Босмага тайёрланган монографиялар ҳам республика фани тараққийига муносиб ҳисса бўлди.

### ИЛМИЙ МЕРОСИМИЗ ЎРГАНИЛМОҚДА

**Тил ва адабиёт институтида халқ оғзаки ижодини тадқиқ қилиш борасида қатор ютуқлар қўлга киритилмоқда.**

Таниқли фольклоршунос олимлар илмий меросини ўрганиш жараёнида ҳам қўлланган натижаларни бермоқда.

Ходи Зарипов, Музайяна Алавия, Мансур Афзалов каби фан арбобларининг халқ оғзаки ижодини ўрганишдаги хизматлари алоҳида нашрларда ўз ифодасини топди.

**Ақбар АЛИЕВ**



## Жамоат ташкилотларида САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

**Меҳнат ва ўқув жамоаларида ишчи-хизматчиларни соғломлаштириш, спорт турмуш тарзига айланишига эътибор қаратиш касоба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин тутди.**

Тармоқ касоба уюшмалари томонидан спартакиадалар, турли мусобақалар ўтказиш яхши аънамага айланган.

Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот институтларида ходимлар, ёш олимлар ўртасида «Академиада-2010» беллашувлари уюшқоқлик билан ўтказилди. 320 иштирокчи стол тенниси, мини-футбол, волейбол турлари бўйича мусобақаларда фаол қатнашди.

Стол тенниси бўйича аёллар ўртасидаги баҳсларда электроника институти вакили Д.Абдураҳмонов зафар қозонди. Волейбол бўйича беллашувларда математика институти йигитлари майдонда эгъиллик билан ҳаракат қилиб, галаба қозонди.

Мини-футбол бўйича беллашувлар айнққса ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлди. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг спорт-соғломлаштириш мажмуасида ўтказилган бу мусобақанинг финал босқичида ядро физикаси ин-

ститути ва «Фидо-Бизнес» масъулияти чекланган жамияти жамоалари голиблик учун ўзаро беллашди. Мurosасиз спорт курашига айланган, иштирокчиларга бир олам завқ-шавқ бағишлаган мини-футбол бўйича мусобақада ўтган йилги голиб — ядро физикаси институти жамоаси яна бир бор зафар қозониб, Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касоба уюшма кўмитаси кўча кубогини ўзида қолдиришга эришди.

Голиб ва совриндорларга бирлашган касоба уюшма кўмитаси томонидан дипломлар ва совғалар топширилди.

— Айнққса ёш олимлар ўртасида спорт оммавийлашиб бориши энг муҳим натижадир, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касоба уюшма кўмитаси раиси Шерзод Жўраев. — Спорт инсонни яхшиликка, ҳам-жихатликка чорлаши баробарида эзгу ниятли гоёлари билан янада фаоллашиб бораверади.

**Улуғбек ПўЛАТОВ**

**«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Камолот» бекаси кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

## «КАМОЛОТ»НИНГ ЯНГИ ТАШАББУСИ

Мазкур танлов Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда маданият, тиббиёт, политехника, хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежлари ўқувчилари қатнашди.

Ёшлар фаоллигини ошириш, истеъдодли ва иқтидорли ўқувчиларни аниқлаб, қўллаб-қувватлаш, ўғил-қизларнинг мактабдан ташқари бўш вақтини мазмунли ташкил этиш «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг муҳим йўналишларидан.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўқувчи-ёшлар иштирокида ўтказилаётган бир қатор тадбирлар шу мақсадга хизмат қилаётир. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган

саъй-ҳаракатлар навқирон авлодга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни оммавий спортга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Камолот» бекаси танловининг биринчи шarti бўйича иштирокчилар аввал ўзларини таништириб, кейин таҳсил олаётган касб-хунар коллежининг бугунги фаолияти, истиқболлари ҳақида маълумот беришди. Иккинчи шарт бўйича эса ўқувчи-ёшларни қизиқтираётган мавзулар, долзарб саналган муаммолар саҳна кўриниши орқали намоён қилинди. Кейинги шартда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти ҳақидаги саволлар ўрин олди.

**Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадий академияси қошидаги Фотосанъат мактаби битирувчиларининг саккизинчи ҳисобот кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Экспозициялар орқали ёш ижодкорларнинг юзга яқин ишлари намойиш этилмоқда.**

## Кўргазмалар

### ЁРҚИН РАНГЛАР ЖИЛОСИ

Таъкидлаш жоизки, фотосанъат мактабида тингловчилар уч ой мобайнида бадий назария, композиция спецификаси, чироқ ишлари ва бошқа санъат турлари бўйича маърузалар тинглайди. Бу ерда ёшлар репортаж, суратга олиш жараёнлари билан яқиндан танишиши баробарида амалиёт дарсларини табиат кўйида ўтади.

— Ҳисобот кўргазмасида «Кўприк», «Туркия», «Денгизда» деб номланган ишларим билан иштирок этаяпман, — дейди Алишер Казакбаев. — Болалигимдан суратлар чизишга ихлос қўйганман. Кейинчалик фотосанъатига қизиқа бошладим. Ўқитувчилар томонидан бизга бадий ва тасвирий санъатнинг нозик қирралари маҳорат ва юксак дид билан ўргатиб келинапти. Кўпроқ фасллар ранг-баранглиги, уларнинг алмашувини тасвирлагим келади. Келажакда мўйқалам устаси бўлиб этишишни мақсад қилганман.

Ўзига хос ёрқин ранглар жилоси ва уларнинг кўз илғамас жиҳатларини ранг тасвирда намоён этиш жуда мураккаб жараён саналади.

— Фотосанъат мактаби 2006 йилда Тошкент Фотосуратлар уйи томонидан ташкил қилинган, — дейди мактаб ўқитувчиси Искандар Содиков. — Бу ерда яхши таниш фотосуратчилар Рустам Шарипов, Владимир Жиринов, Сергей Спиридонов ва бошқалар ёшларга бу санъатнинг нозик қирраларини ўргатишда. Машгулотлар асосан табиат кўйида олиб борилади. Шунингдек, чет эл фотосурат устаси томонидан ҳам маҳорат мактаби ўтказилади. Фотоасарлар ва рассомлик бўйича билим бериш орқали ёшларимиз ижодини фақат республикамизда эмас, балки хорижда ҳам тарғиб қилиш имкони яратилди. Бугунги кунда мактабимиз тингловчилари турли республика ва халқроқ танловларда фаол қатнашиб келмоқда. Келажакда иқтидорли ёшларимиз бундан юксак чўққиларни забт этади деган умиддамиз.

Дарҳақиқат, ёшларимиз томонидан кўргазмага қўйилган ҳар бир сурат ўзига хос йўналишга ва гўзалликка эга бўлиб, уларда келажакка интилишни кўриш мумкин.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

## Қатрлар

### ЁҚИМЛИ ВОСИТА

Нуроний мўйсафид йўлда кимни кўрсан, «Воалайкум ас-салом» дейишни қанда қилмайди. Кимдир пастроқ овоз билан салом берса, мен эшитмай аликсиз қолсам, кейинги сафар салом беришга оғринадим, деб мулоҳаза қилади.

Табиийки, йўлда ҳар хил ҳолат юз беради. Мўйсафид бир йўловчининг берадиган саломидан олдин алик олди. Йўловчи хижолатда:

— Сизга салом беришга сал кечикдим-а, эҳ...

— Саломингни эшитмай қолдимми, деб тезроқ алик олишга шошилдим, — дейди мўйсафид кулоқ қоқиб. — Яхши эшитолмадим. Барака топкур.

— Ундай бўлса, узр. Юздан ошиб юринг, отахон.

Салом беришга эринган бир одам эса мўйсафиднинг алик олганидан кизариб: «Салом бермаганимга пичинг қилиб, мени уялтирди-ёв», деган хаёл билан қўлини кўксига қўйиб: «Энди олдингиздан ҳечам саломсиз ўтмайман», дейди.

Мўйсафид хуш одати билан саломсиз ўтган баъзи йўловчиларни ҳам доимо салом беришга чорлаганидан ўзида йўқ хурсанд.

Салом ва алик инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳ-

рини янаям товлантирадиган ёқимли воситадир.

### УЛУҒ ФАЗИЛАТ

— Дастурхонини роса безабди. Менинг фикримнинг кенгроқ ўйлаб кўринг-чи. Шу атрофда яшовчи бир камбағал хатна тўйи қилмоқчи эди. Бир семиз қўй сўйишга қолганда, пули етмай, ғамгин юрганини билган бир таниши қарзгамаб, пийсабилло розиман деб, битта семиз қўйнинг пулини берди. Ихчамгина ўтган тўйдан ҳеч ким гина қилмади. Хозиргина кўрганингиз дабдабали тўй дастурхонининг ўзига камидан ўн та қўйнинг харажати кетган. Тўй эгаси камбағалнинг тўйига бир қўй билан қарашса, катта савобга эга бўларди. Минглаб одамга дастурхонини кўз-кўз қилишдан нима фойда?! Ана шу бойваччадан гина қилсак бўладими? Камбағалга

— Қандини урсин. Бойвачча-да. Қўли узун, баланд. Қаёққа узатса, етади, — деди ҳамроҳи тўй эгасини мактаб.

— Тўғри, омадини берсин. Менинг фикримнинг кенгроқ ўйлаб кўринг-чи. Шу атрофда яшовчи бир камбағал хатна тўйи қилмоқчи эди. Бир семиз қўй сўйишга қолганда, пули етмай, ғамгин юрганини билган бир таниши қарзгамаб, пийсабилло розиман деб, битта семиз қўйнинг пулини берди. Ихчамгина ўтган тўйдан ҳеч ким гина қилмади. Хозиргина кўрганингиз дабдабали тўй дастурхонининг ўзига камидан ўн та қўйнинг харажати кетган. Тўй эгаси камбағалнинг тўйига бир қўй билан қарашса, катта савобга эга бўларди. Минглаб одамга дастурхонини кўз-кўз қилишдан нима фойда?! Ана шу бойваччадан гина қилсак бўладими? Камбағалга

— Ярмини менга берасиз. Бўлмасам оймимга айтиб бераман, — дея хархаша қилди. Наргиза ҳозир, ҳозир, дейди-ю, бергиси келмай, укасини ўзига яқинлаштирмайди. У ёқдан бу ёққа қочади. Онасининг берақол, деганига кулоқ солмай чопилган жой — шудгорга қадам босувдики, кесакка қоқиб, тиззалаб йиқилди. Бодроги қўлидан учиб тўкилди. Гилосдаги икки қуш барглар панасида худди шу ҳолни қўйлаб туришган экан, шекли, сочилган бодрокларни териб еб кетишди.

— Укангдан бодрокни қизганиб, шудгорга чопганинг натижаси бу, Наргиза, — деди онаси уни турғазиб, қўйлагининг чангини қоқаркан.

Ғани АБДУЛЛАЕВ



Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

## Спорт

### АНЪАНАВИЙ ТУРНИР



**17-мактабда «Соғлом авлод учун» жамғармаси кубоги учун ўсмирлар ўртасида стол тенниси бўйича ўтказилаётган VII республика турнирининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.**

Ўсмир болалар ва қизларнинг жисмонан соғлом бўлиши, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга қизиқтириш, спорт турларини оммавийлаштириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уюштирилаётган ушбу турнир анъанавий тус олган бўлиб, «Соғлом авлод учун» халқроқ хайрия жамғармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғарма-

си, Маданият ва спорт ишлари ҳамда Халқ таълими ва зирликлари, Ўзбекистон стол тенниси федерацияси Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ҳар йили ўтказиб келинади.

Турнирнинг шаҳар босқичида ҳар бир тумандаги иккита тоифа бўйича ўтказилган мусобақаларнинг тўрт нафардан голиблари иштирок этди. «Соғлом авлод учун» жам-

ғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани томонидан турнирда иштирок этган ҳар бир қатнашчи ва голибларга диплом ва совғалар тақдим этилди.

Тўрт нафар ўғил-қизимиз турнирнинг республика босқичида қатнашишга йўлланмани қўлга киритди.

**И.ДИЛШОДОВ**

Козим Ўлмасов олган сурат

### ТУНИСДА ЎҚУВ-МАШҒУЛОТ ЙИҒИНЛАРИ

**2011 йилда Қатар пойтахти Доха шаҳрида футбол бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтишидан мухлисларнинг хабари бор, албатта.**

Ушбу нуфузли турнирга жиддий ҳозирлик кўраётган Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси 1-14 декабрь кунлари Тунисда ўқув-машғулот йиғинларини ўтказди.

Машғулотлар мобайнида Тунис терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви уюштирилиши ҳақида аввал хабар берган эдик. Маълум бўлишича, жамоамиз икки ҳафта мобайнида тунислик чарм тўп усталаридан ташқари, Жазоир терма жамоаси билан ҳам куч синашади. Қизиги, ушбу машғулотларда терма жамоамизнинг легионер футболчилари ҳамда пахтакорчилар Одил Аҳмедов ва Темур Жўраевлар иштирок этмайди. Қатарда уюштирилаётган Осиё чемпионати борадиган 23 футболчининг аниқ рўйхати январь ойи бошларида маълум қилинади.

**Бирлашган Араб Амирликларининг Абу Даби шаҳрида дзюдо бўйича уюштирилган халқроқ гран-при турнири натижалари мамлакатимизда ушбу спорт тури жадаллик билан ривожланиб бораётганлигини яна бир қарра исботлади.**

### АБУ ДАБИДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

Ғап шундаки, Италия, Россия, БАА, Миср, АҚШ, Германия, Хитой полвонлари Рамзиддин Саидов барча рақаторида турнирда ҳамюртларимиз ҳам муваффақиятли

қатнашди.

Чунончи, Хуршид Набиев ва Рамзиддин Саидов барча рақабларидан маҳоратлироқ эканлигини намоён этиб, ўз

**Ҳар йили январь ойида Россия пойтахти Москва шаҳрида футбол бўйича МДХ давлатлари чемпионлари турнири ўтказилиши анъанага айланган.**

### ЧЕМПИОНГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ

2011 йилнинг январь ойида ҳам ушбу турнир ташкил этилади. МДХ давлатларидан ташриф бурган 16 та жамоа тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда майдонга тушади.

Турнирда мамлакатимиз шарафини учинчи марта «Бунёдкор» жамоаси ҳимоя қилади.

Кунни кеча бош мураббий Миржалол Қосимов Москвага борадиган асосий таркиб футболчилари яқин кунларда ўқув-машғулот йиғинларини бошлашини маълум қилди.

Эслатиб ўтамиз, МДХ давлатлари чемпионлари кубоги учун турнирда аввал иштирок этган Фарғонанинг «Нефтчи» клуби бир марта иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, «Пахтакор»га голиб бўлиш насиб этган.

вазн тоифаларида олтин медал соҳибига айланган бўлсалар, Абдулла Тангриевга кумуш, Ўткир Қурбонов ва Улугбек Норқобиловга бронза медаллари насиб этди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**  
тайёрлади

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Ўзбек шеърятисида — ватанпарварлик» мавзусига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

### ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА — ЮРТ МАДҲИ

Таниқли олимлар ва шоирлар, ўзбек шеърятисида энди гина кириб келаётган ёш ижодкорлар ва ўқувчилар иштирок этган давра суҳбатида миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми саналган XXI аср ўзбек шеърятиси халқимизга кўплаб дурдона асарлар тақдим этаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Халқимизнинг орзу-умидлари, юксак мақсадлари, эзгу кадрияларини ҳаққоний акс эттирган ўзбек адабиёти, унинг пешқадам намояндалари бугунги кунда ҳам жамиятимиз тараққиётига, замондошларимиз маънавий дунёсининг бойишига беқиёс ҳисса қўшиб келаётганлиги ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар юритилди. Шунингдек, шеърятисида анъанавий ва модернизм йўналишларининг ўзига хослиги, бугунги тараққиёти, модерн услубида ижод қилаётган шоирлар фаолиятида тўхталинди.

Тадбирда таъкидланганидек, маънавият барча даврларда жамият тараққиёти, ёш авлод тарбиясида энг долзарб

масала бўлиб келган. Шиддаткор замонда, азалий қадриятларга, миллий анъаналарга ташқаридан салбий таъсирлар кучайган бир шароитда бу масаланинг аҳамияти янада ошди. Бу борада ёш ижодкор авлоднинг сай-ҳаракатлари ҳам эътиборга молик. Шеърят, адабиёт майдонига ғайрат билан кириб келаётган иқтидор эгалари яратилган шароитлар, имконият ва ғам-хўрликдан унумли фойдаланмоқда.

Давра суҳбатини ташкил этишдан мақсад ҳам ёш қаламкашларни XXI аср ўзбек шеърятисида ўз ҳиссасини қўшиб келаётган шоир ва ижодкорлар билан яқиндан таништириш, икки авлодни юзма-юз учраштириш орқали янги имконият эшигини очиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдир.

Тадбир доирасида шоир Кенжабекнинг «Сабрим либоси» китоби тақдими ўтказилди.

«Туркистон-пресс»



## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Эл-юрт, Ватан ва ватанпарварлик ҳақида

Дарахтни ер кўкартиради, Одамни эл кўкартиради.

Ёвдан кўрққан — ёвга дўст, Элни суйган — эрга дўст.

Илим-хунар ерга эмас, элга.

Иш кучини елга берма, ерга бер, Жамғармани селга берма, элга бер!

Киши юртида шоҳ бўлгунча, Ўз юртингда гадо бўл!

Майдонда синалган — элда азиз.

Мард бўлсанг, майдонга чиқ!

Она юртинг — олтин бешигинг.

Отини аяган йўлда қолмайди, Элни сийлаган чўлда қолмайди.

Сен кўрқмасанг, ёв қочар.

Томчи — сел бўлмас, Душман — эл бўлмас.

Халқ иши — ҳақ иш.

Халққа суянсанг, бўласан, Халқдан чиқсанг, сўласан.

Халққа хизмат — олий ҳиммат.

Эл бошига тушган иш — Эр бошига тушгани.

Элга маъқул — сенга маъқул.

Элга эл кўшилса — давлат, Элдан эл кетса — меҳнат.

Элга кўшилган оройиш топар.

Элда бори — сенда бори.

Элдан айрилгунча, жондан айрил!

Элдан айрилиб бўлмас.

Элда юрган эл танир, Қирда юрган ер танир.

Эли бақувватнинг бели бақувват.

Эли бойнинг ўзи бой.

Элинг-юртинг бўлмаса, Ойинг-қуниг бўлмасин.

Эл нима бўлса — сен ҳам шу. Элнинг назаридан қолма!

Эл сенга чўзса қўл, Унга доим содиқ бўл!

Эл яхшилиқни унутмас.

Эл кўрсанг, ўзарсан, Қўримасанг, тўзарсан.

Эр яхшилиқни унутмас.

Эр давлати — элида.

Эр йигитнинг қадрини Оғаси эмас, эл билар.

(Давоми бор)

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланилди.

«Шарқ» нашриёт-матбعا акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

### ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот босқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табақ,  
офсет усулида босилади.  
2612 нусхада босилади.  
Кроко битими А-2